O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Kuch — adolatda

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ☼ 2002 yil 8 fevral ☼ juma ☼ № 6 (345) ☼ sotuvda erkin narxda

● Партиянинг ғоявий негизини социал-демократиянинг уч асосий тамойили ташкил этади. Булар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат тамойилларидир.

СИЁСИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ демократик ҳуқуқ ва сиёсий эркинлик, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини ўз ичига олади. Ҳамма учун баробар сайлов ҳуқуқи, қонун олдида тенглик, унга итоаткорлик бу тамойилнинг умумлаштирилган кўринишидир.

ИҚТИСОДИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ хўжалик ҳаётига жорий этилган жамиятнинг манфаатлари хусусий манфаатдорликдан юқори туради. Ҳамма турдаги мулкчилик шакллари, шу жумладан, давлат, жамоат, хусусий шаклларини тақозо этади.

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ жамият равнақи учун ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзини ва оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўз қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ва ўтиш даври иқтисодий қийинчиликларида мушкул аҳволга тушиб қолган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофазалаш тадбирларини амалга оширишдан иборатдир.

Социал-демократиянинг асосий тамойилларини амалга ошириш партиямиз дастурида белгиланган демократик одил жамиятни қуриш билан узвий боғлангандир.

(Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Дастуридан).

● *Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор.*

Ислом КАРИМОВ.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси А. Аҳадовнинг ахбороти тингланди. Йиғилиш қатнашчилари референдум якунлари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошиб бораётганлигидан, халқимиз сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, демократияни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлини қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради, деб таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг жорий йилга мўлжалланган қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолияти режасини муҳокама қилдилар ва тасдиқладилар. Ушбу режада Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон парламентининг биринчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқувчи устуворликлар ҳамда умумхалқ референдуми якунлари, шунингдек, 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги билан боғлиқ тадбирлар ўз аксини топди.

Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маъқулланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари томонидан 2002 йилда ўтказиладиган тадбирлар рўйхати тасдиқланди.

Кенгаш ўз ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича эксперт гуруҳи раҳбари Н. Исмоилов иштирок этди.

Референдумга сиёсий шарҳ

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар янада жадаллашувининг муҳим омили бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум мамлакатимизда ғоят юксак уюшқоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкамланиб бораётганлигининг яна бир ажойиб кўриниши бўлди. Референдумда дунёнинг 33 мамлакатидан 125 нафар халқаро кузатувчи иштирок этди. Сон жиҳатидан АҚШ ва Канададан кўпроқ – 17 нафар кузатувчи ташриф буюрди. Шунингдек, Европанинг 11 давлатидан, Осиё ва МДҲнинг кўплаб мамлакатларидан халқаро кузатувчилар келдилар. Бир сўз билан айтганда, умумхалқ референдуми кенг демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида фаоллик, очиқлик, ошкоралик ва демократия руҳида ўтди.

Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиш сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.

Бугунги кунда Олий Мажлис, яъни парламентимиз олдида бошқа қатор муҳим ҳаётий масалалар турибди. Шулардан бири икки палатали парламентга ўтиш вазифасидир. Халқимиз хоҳиш иродасига референдумда қўйилган ушбу масала кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди. «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ушбу масалани қўллаб-қувватлаб ўз овозларини бердилар.

Икки палатали парламентга ўтишнинг боиси нимада? Бу энг аввало давр талаби, тараққиёт талаби. Бу ҳуқуқий демократик давлат қураётган мамлакатимиз парламентининг такомиллашуви ҳамдир. Чунки дунё парламентаризми билан шуғулланувчи сиёсатшунослар, бу соҳа мутахассислари, айниқса икки палатали парламентни кўпроқ ёқлайдилар. Айни пайтда дунёдаги 70 дан ортиқ давлатларда икки палатали парламентлар фаолият кўрсатмоқдалар. Негаки, икки палатали парламентда жамоатчилик, халқ манфаатлари бирмунча кенг ва ранг-баранг бўлади. Шунингдек, бу ҳолатда мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий кучларнинг ўз фаолиятларини кучайтиришлари, сайловларда янада фаол иштирок этишлари, парламентдан ўз вакилларини кўпроқ ўрин олиб, фракциялари фаолиятларини кучайтиришлари, қабул қилинаётган қонун ва қарорларга ўз қарашларини янада муқим ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратилади. Бу билан сиёсий институтлар фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма хиллигига асосланган демократик жамият барпо этишда ўз фаоллигини янада ошириш имкониятига эга бўладилар. Айни пайтда мамлакатимизда сиёсий партиялар учун ўз дастурий қарашлари, ғоя ва мақсадларини амалга оширишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Шунинг учун ҳам сиёсий партияларнинг парламент таркибига, уни ташкил этиш шаклига ҳамда унинг фаолият юритиш турларига таъсир ўтказиши аниқ ва равшандир.

Айни пайтда икки палатали парламент қандай бўлиши устида фикр ва мулоҳазалар юритилмоқда, албатта.

Ҳолбуки, бўлиб ўтган референдум қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши аниқ. Энг аввало, янги қонунлар қабул қилиш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди. Юқори ва қуйи палаталарнинг вужудга келиши билан кучли қонунчилик ҳокимияти шаклланади. Айтиш жоизки, қуйи палата доимий равишда ишлайдиган палата бўлиб қолади. Бу эса мустақил ўзбек давлати қонунчилигининг янги босқичга кўтарилишига олиб келади ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир этади ва уни жадаллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз чиқишларида кўп бор замонавий парламент ҳақида фикр юритиб, мамлакатимиз парламентининг икки палатали бўлиши катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаганди. Жумладан, мамлакатимиз раҳбари референдумда овоз бериш чоғида оммавий ахборот воситалари ходимларига интервью бераётган пайтда шундай деди:

– Биз тузмоқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади. Масалан, ижроия ҳокимияти кўпгина масалаларда айнан юқори палата олдида ҳисобот берадиган бўлади. Менимча, Президентнинг баъзи ваколатларини ҳам шу палатага бериш зарур. Биз бу палата ривожланган Ғарб мамлакатларидагига ўхшаш бўлишига ҳаракат қиламиз.

Яна бу борада давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, пастдаги палата ҳокимият вакилларидан бутунлай бўшатилади, унинг шаклланишини сиёсий партияларнинг ўзлари амалга оширадилар. Бу палата жамият қатламлари – ўз сайловчилари фикрини ифодалайди. Юқори палатада эса асосан тажрибали мутахассислар бўлиши мумкин. Улар эса кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда иш юритадилар.

Парламент қабул қилаётган қонунларни шакллантириш жараёнларида икки палата баҳс ва мунозараларга ўзаро киришиши аниқ. Бундай ҳолат тўғри қарорлар чиқаришга, мукаммал қонунлар қабул қилинишига олиб келади. Энг муҳими, адолат, ҳақиқат тарозиси токи икки томон (яъни, икки палата) то рози бўлмагунча бирор қарорга келинмайди.

Бу ҳол бизга буюк бобомиз Амур Темурнинг «Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир» деган ҳикматли сўзини эслатади. Зеро, кенгашганга кенг дунё, дейдилар. Кенгаш бўлаётган вақт эса ақл ва фазлнинг имтиҳон бўлаётган соатидир. Менинг назаримда, ўзбек халқи ана шундай имтиҳон соатидан яна бир марта аъло даражада ўтди.

Парламентнинг икки палатали бўлиши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий мақомини ҳам шунга яраша ўзгартиришни талаб этади. Ҳокимият тизимларининг мувозанатини сақлаб қолиш ва уларнинг ишини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Президентнинг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган иккинчи масала юзасидан референдумда овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи бу масалани ёқлаб овоз бердилар. Халқимиз ўзининг бу якдиллиги билан мамлакат тараққиёти учун, тинчлик барқарор бўлиши учун бу ўта муҳим сиёсий тадбирнинг муҳим аҳамиятини тўғри тушуниб етди ва ҳис қилди. Бу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш жоиздир. Агар жаҳон мамлакатлари Президентлик тизимига бир назар ташласак, етти йиллик муддат кўпгина мамлакатларда жорий этилганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Италия, Исроил, Туркия ва бир қатор араб мамлакатларида Президент етти йил муддатга, Австрия, Мексика ва бошқа кўпгина давлатларда эса олти йилга сайланади. Бизга ён қўшни бўлган Қозоғистон, Тожикистон ҳам бундай амалиётни қўллаб, ўз Президентларининг ваколат муддатларини етти йил қилиб узайтирганлар. Президентлик ваколатининг узайтиришнинг аввалги мақолаларимизда таъкидлаб ўтганимиздек, Президентнинг мувофиқлаштирувчи ролини янада юқори даражага кўтаради ва давлат бошлиғи сифатида ҳокимият барча тармоқларининг ҳамкорликда ишлашини таъминлайди, турли тармоқлар ўртасида рўй берадиган келишмовчиликларни бартараф этади, ўз олдига қўйган ва энг юксак мақсад ва вазифаларни тўлалигича бажариш имкониятига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, Президент ваколатлари муддатини ўзгартириш зарурати давлат ҳокимияти тизимларининг ваколатларини мувофиқлаштириш, ижтимоий тараққиёт барқарорлиги ва узлуксизлигини таъминлаш заруратидан келиб чиқди. Чунки янги давр ва мамлакат олдида турган вазифаларнинг мураккаблиги конституциявий тамойилларни ва нормаларни чуқурроқ англашни, уларга ижодий тарзда ёндошишни тақозо этмоқда.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясининг 40 минг кишилик аъзолари ва ҳайрихоҳлари бу сиёсий тадбирнинг аҳамиятини чуқур англаб, референдумда фаол иштирок этдилар. Улар ҳар икки масалага якдиллик билан қўшилган ҳолда овоз бердилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқи референдумда ўз хоҳиш-иродасини изҳор этибгина қолмай, балки Президентимиз бошчилигида буюк келажак сари қадам ташлаётган Ўзбекистон тараққиётига оқ фотиҳа ҳам бердилар.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

ЧУВАЛЧАНГ БОҚАЁТГАН ФЕРМЕР

Абдурауф Давронов Самарқанд туманидаги «Миришкор» фермер хўжалиги раҳбари. Илғор технологияларга таяниб сабзавот, картошка ва ғалладан юқори ҳосил олаётган фермернинг фаолияти Самарқанд вилоятида кенг тарғиб этилмоқда.

Бу ерда доимо янгиликка дуч келасиз. Икки гектарлик иссиқхона қишда ҳам даромад келтирмоқда. Фермер чувалчанг боқиб биогумус тайёрлаш билан ҳам шуғулланади. Бу эса тупроқ унумдорлигини оширишда бениҳоя қўл келмоқда.

Фермер бу йил 400 тонна биогумус тайёрлаб вилоят хўжаликларига сотишни мўлжаллаган. Қисқаси, серқирра фаолият туфайли Абдурауф ота бошлиқ фермерлар бадавлат яшаб, эл-юртга фойда келтирмоқдалар.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган сурат.

САНЪАТНИНГ ЯНГИ КОШОНАСИ

Тез фурсатларда пойтахтдаги Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси ишга тушиб, мусиқа оламига хизмат қила бошлайди. Шу кунларда Тошкент шаҳар капитал қурилиш бошқармасига қарашли кўплаб қурилиш ташкилотлари ишчилари мазкур бинода сўнгги пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. Консерваториянинг янги биносида аввалгисидан фарқли ҳолда қандай қулайликлар мавжудлиги хусусида институт проректори Дилора Муродова «Туркистон-пресс» мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўқув даргоҳида ҳар бир мутахассислик учун махсус жиҳозланган синфлар бўлади. Аудиториялар мусиқа асбоблари, аудио ва видео аппаратуралар билан таъминланади. Бундан ташқари, махсус компьютер синфлари, интернет тармоғи билан боғланган кутубхона, энг замонавий ускуналар билан таъминланган фонотека, лингофон ва мусиқа эшитиш хоналари, овоз ёзиш студияси ташкил этилади. Юқори даражали акустика хусусиятларига эга бўлган катта, кичик, камер ва орган заллари эса ўқув, ижодий, ижрочилик ва илмий жараёнларни сифатли ташкил этишга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, малакали кадрлар тайёрлашга, жаҳон талабларига жавоб берадиган мусиқачиларни вояга етказишга пухта замин яратади.

Д. Муродованинг таъкидлашича, янги консерватория биносида нафақат синфларнинг икки карра кўплигига, балки улардаги жиҳозларнинг юқори сифатли бўлишига ҳам катта эътибор қаратилади. Фойелар, заллар, ўқув хоналари учун Маданият ишлари вазирлиги буюртмаси асосида таниқли санъаткорларнинг портретлари чизилмоқда. Мусиқа санъати билан боғлиқ мавзуларда паннолар, расмлар яратилмоқда. Хуллас, янги бинода республика ва халқаро танлов совриндорлари, эстрада юлдузлари, ёш истеъдодларнинг юзага чиқиши учун барча шароитлар яратилади.

Ўқув даргоҳида босмахона бўлиши кейинги йилларда олимлар томонидан яратилган дарслик, ўқув қўлланмалари, хрестоматия ва тадқиқот адабиётларини нашр этиш масаласини ҳал қилишда, мамлакатимизнинг мусиқа таълими соҳасида таянч ўқув юрти сифатида фаолият кўрсатишига имкон туғдиради.

– Янги бинонинг қурилиш лойиҳасида мазкур бинони олти йилда қуриб битириш белгиланган. Лекин 159-қурилиш трести ишчиларининг саъй-ҳаракатлари билан уни етти ойда битиришга эришилди. Бинонинг ўқув биноси ўтган йилнинг ноябрь ойида битказилганди. Жорий йилнинг февраль ойида эса бинонинг концерт блокидаги қурилиш ишлари якунланади. Муҳташам санъат кошонаси қурилиши учун тўққиз миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Эркин БОТИРОВ олган сурат.

ЭЪТИБОР ЯХШИ БЎЛГАЧ...

Муборак туманидаги Муборак қоракўл наслчилик ширкат хўжалиги нафақат Қашқадарё вилоятида, балки республикамизда ҳам йирик чорвачилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда хўжаликнинг Ўртачўл, Ниёзхон, Майдаёбу, Ширинбулоқ каби яйловларида 51 минг бошдан зиёд қўй-қўзилар боқилаяпти. Чорвадорлар отарларида барча шарт-шароитлар муҳайё этилгани боис қишлов шу кеча-кундузда муваффақиятли ўтмоқда. Энг муҳими, йилдан йилга хўжаликда қўй-қўзилар туёқ сони ортиб бораяпти. Маҳсулдорлиги ҳам талаб даражасида бўлаётир.

Чори Норбоев хўжаликнинг илғор чўпонларидан. Ўтган йили у ҳар юз бош совлиқдан 101 тадан қўзи олиб, хўжалик маъмурияти қарори билан 40 бош қўзини мукофотга олган эди. Ҳозир ҳам унинг отарида чорва қишлови намунали ўтаяпти.

Хўжаликда бу йил 30 минг 400 бош совлиқдан тўл олинади. Чорвадорлар шу кеча-кундузда ҳар бош совлиқдан биттадан қўзи олиш учун бор имкониятларини ишга солишаяпти. Мавсумни талофатсиз якунлаш чоралари кўрилаётир.

Шунингдек, чорва қишлови Баҳористон туманида ҳам намунали ўтмоқда.

Комил САХАТОВ, «Адолат» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги 2001 йилги фаолияти якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Бош прокурор Р. Қодиров бошқарди.

Мажлисда прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодиётни эркинлаштириш, табиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган қонунлар, Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бажарилишига қаратгани таъкидланди. Бу борада аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари 90 мингдан зиёд прокурорлик таъсир чоралари ёрдамида бартараф этилиб, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик таъминланди.

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Бош прокуратура ҳузурида солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари ташкил қилинди.

Департамент тизимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, давлат хазинасига жами 7 миллиард 680 миллион сўмлик қўшимча маблағ ундирилди.

Шунингдек, ҳайъат мажлисида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар қаттиқ танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Инсон манзаралари

Кўксарой майдонидаги кўп қаватли бинода жойлашган ижтимоий кўникма марказининг эшиклари ёрдам сўраб келганлар учун доимо очиқ. Қабулхонадаги телефонлар гўшаги қўнғироқ бўлган заҳоти ҳаялламай кўтарилади. Ҳокимлик номидан иш юритадиган расмий идорадаги саранжом-саришталик, ҳозиржавоблик, ҳар қандай мушкулотга оддий инсоний муносабат шундоққина сезилиб туради. Бир оғиз савол-жавобданоқ юракка жиз этиб тегадиган ишонч, эътибор муҳити мужассамки, бу марказга ташриф буюрганларни лоқайд қолдирмаяпти. Ахир марказ мураккаб тақдир эгаларини – муқаддам судланган шахсларни ижтимоий ҳаётга қайтариш, уларга зарур маслаҳат, кўмак бериш билан шуғулланади. Демак, бу ерда ҳамма нарса ўзаро ишончга лойиқ бўлиши керак.

СИЗ ҲАЁТГА БЕГОНА ЭМАС...

Самарқанд вилоят ҳокимлиги қошидаги муқаддам судланган шахсларни ижтимоий муҳитга мослаштириш марказининг қулфсиз эшикларию беғараз ҳамкорлари хусусида

– Инсон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Бинобарин маълум шарт-шароитлар таъсирида жиноятга қўл уриб, жазони ўтаб қайтганлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши лозим. Инсонпарвар қонунларимиз шунга кафолат беради. Жамият ҳам уларнинг кўксидан итармаслиги, соғлом ҳаётга нисбатан пайдо бўлган умид, иштиёқ учқунларини сўндирмаслиги лозим. Бу ижтимоий кўникма маркази раисининг ўринбосари Алишер Назаровнинг хизмат фаолияти давомида туғилган фикри, хулосаси. Кечаги маҳбус бугунги ҳаётга бегона эмас. Ахир унинг оиласи, ота-онаси, фарзандлари бор. Лоақал ёшликдаги орзулари бор. Худди шу боис марказнинг асосий вазифаси жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахсларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, жамият учун фойдали инсонга айланишлари учун амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Бу ёрдам биринчи навбатда иш билан таъминлашни, бир йўла тўланадиган нафақани ва фуқаролик паспорти олишга кўмаклашишни назарда тутади.

...Евгений исмли шахс заводда слесарь бўлиб ишларди. «Қўли гул» деб ном олган уста ичкиликка ружу қўйди. Охир-оқибат қадаҳ тубидаги бир ютум заҳри қотилни деб ҳар қандай қалтис қадамларни қўйишга тайёр бўлди. Оилада хотини билан жанжаллашди. Кейин ўғрилик, босқинчилик жиноятларига дахлдорликда айбланиб, қамалди.

Евгений жазо муддатини охирлаётганида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисидаги Фармони эълон қилиниб, озодликка чиқди. Қандай яхши! Энди ҳаммасини унутади, ҳаётини қайтадан бошлайди. Аммо уйига келса хотини бошқа кимсага турмушга чиқибди. Ишхонада ҳам қучоқ очиб кутиб олишмади. Кўз олди қоронғилашиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. «Демак мен бегонаман...»

Кўнгли яна ичкиликни, эски улфатларни қўмсади. Уларга қушилиб ҳам кетарди. Аммо кимдир маслаҳат бериб қолди, ижтимоий кўникма марказига учрашинг деб. Марказдагилар уни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Паспорт олиб беришди. Ишга ҳам жойлаштириб қўйишди. Керакли маслаҳатларни аяшмади. Энди Евгений ҳалол яшаб, яхшиларга эргашишни ният қилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида айрим корхоналар қўшимча иш ўринларини барпо этолмаётган бир пайтда собиқ маҳбусларни ишга жойлаштириш осон эмас. Аммо ижтимоий кўникма марказидагилар имкониятларни қайта-қайта таҳлил қилишлардан, тушунтиришлардан ва ниҳоят қонун кучини ишга солишдан эринишмайди. Шу йўл билан 2001 йил давомида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасаларда бир неча юз квота иш ўринлари барпо этилди. Бу жазони ўтаб келганлар ишсиз четда қолиб, такрор жиноятга қўл урмасликлари учун салмоқли кафолат. Фақат улар марказга мурожаат қилишса кифоя.

– Жазони ўтаб қайтганларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни соғлом турмушга қайтариш билан боғлиқ кенг кўламдаги вазифалар айниқса Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларида Ургут ва Жомбой туманларида муваффақиятли ҳал этилмоқда, – дея суҳбатни давом эттирди Алишер Назаров. – Сабаби, мазкур ҳудудларда бу ишга ҳукумат дастуридаги муҳим вазифа сифатида қаралаётганлигидадир. Шу боис қисқа вақтда Самарқанд шаҳрида 4098 та, Каттақўрғонда 32 та, Ургут туманида 240 та ва Жомбойда 28 та квота иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 318-Ф сонли фармойишига асосан жазони ўташ муассасаларидан озод этилганларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳам доимий эътиборда. 2001 йилда шундай шахсларга 57.947700 сўм миқдорида вақтинчалик нафақа пуллари берилди.

– Вилоят ижтимоий таъминот, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, меҳнат биржаси билан ўзаро ҳамкорлик, муаммони биргалашиб ечиш истаги борлигини алоҳида таъкидламоқчиман, дейди суҳбатдошимиз. – Шу боис собиқ маҳбусларни даволашда, дори-дармонлар билан таъминлашда қийналмаяпмиз. Меҳнат биржаси эса бўш ишчи ўринларини аниқлаб, доимо бизга маълумот бериб боради.

Дарвоқе Ижтимоий кўникма марказининг вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам эътиборга лойиқ. Биргаликда тузилган дастурга мувофиқ муқаддам судланган шахсларнинг яшаш жойларига борилиб, муаммолар чуқур ўрганилади. Айниқса, балоғатга етмаган ёшлар ва ўсмирлар тақдири, уларнинг гиёҳвандликка берилмай спорт билан шуғулланишлари учун қайғурилмоқда, ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ҳомий ташкилотлар ёрдами билан аксарият туманларда барпо этилган спорт иншоотлари, теннис корти бугун ҳар қачонгидан гавжум. «ЎзавтоГАЗ» вилоят ҳудудий бўлимининг мадади билан Сиёб туманида қад ростлаган янги спорт иншооти ана шундай масканлардан. Самарқанд банк коллежи спорт залида очилган каратэ тўгараги ҳам бўш вақтни мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

Марказ муқаддам судланганларни ижтимоий муҳитга мослаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда маҳалла оқсоқоллари, жамоатчилик ёрдамидан ҳам фойдаланмоқда. Бу борада Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Иштихон, Жомбой туманларидаги маҳалла қўмиталарининг мадади айниқса катта бўлаётир.

...Марказ қабулхонасидаги телефон жиринглайди. – Исму шарифим.., – овоз эшитилади, нариги гўшакдан. – Бир ҳафта муқаддам қамоқдан озод этишувди. Болаларим ёш, оёққа туриб олишимга ёрдам берсаларингиз.

– Марҳамат, тортинмай келаверинг, Манзилимизни биласизми?..

Ҳа, одамийлик ҳеч қачон ўлмасин! Инсон ўз атрофидагиларнинг меҳр-мурувватидан, назаридан четда қолмасин. Шундагина у ўзини тарбиялаётган жамиятга муносиб бўлиб яшашга интилади.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ МАМНУН

Янги йил арафасида Узун туманида қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи қурилиб, қишлоқ ёшларига тақдим этилганди. 720 ўринли бу муҳташам билим маскани Сурхондарё вилоятида илк бор қурилиб, фойдаланишга топширилган йирик иншоотлардан ҳисобланади.

«Унитар», «Уста», «Сариосиё», «Сантехмонтаж» каби жамоаларнинг бунёдкорлари кечаю-кундуз меҳнат қилишиб, янги билим масканида 1 миллиард 216 миллион сўмлик иш бажардилар.

Бундан икки йил аввал Узун туманининг Бобомурод Омонов номли жамоа хўжалигининг туман маркази ёнгинасидан коллеж қурилиши учун 7,3 гектар ер ажратилган эди. Ана шу катта майдонда қад ростлаган билим даргоҳида ҳозир барча қулайликларга эга бўлган, бир сменада 720 ўқувчини бағрига сиғдираётган бош ўқув корпуслари, юз ўринли ётоқхона, бир йўла уч юз ўқувчига хизмат қилувчи ошхона, 220 ўринли ўқув зали, теннис корти, спорт зали ўқувчи йигит-қизлар хизматида.

Ўқув хоналари ёруғ ва юқори дид билан безатилган. Иккита хонада замонавий компьютерлар ўрнатилган. Битта хона лингафон билан тўлдирилган. Иккита физика хонаси, битта биология хонаси, иккита кимё хоналари махсус жиҳозлар билан ясатилган.

Шундай ёруғ ва кўркам хоналарда ўқиш ва ўқитишнинг гашти, сурури ўзгача, – дейди коллежнинг ўқув ишлаб чиқариш бўйича директори ўринбосари Абдукарим Худоёров. – Коллежда етти мутахассислик бўйича факультетлар ишлаб турибди.

СУРАТДА: коллеж биносининг умумий кўриниши; компьютер хонасида.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

ЗАРАФШОН – НЬЮМОНТНИНГ РЕЖАЛАРИ

Бундан ўн йил муқаддам АҚШнинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси билан Ўзбекистон давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Навоий кон металлургия комбинати ўртасида олтин рудаси чиқиндиларидан олтин олишни йўлга қўйиш ва «Зарафшон – Ньюмонт» қўшма корхонасини тузиш тўғрисида ҳужжат имзоланганди.

«Зарафшон – Ньюмонт» қўшма корхонасини барпо этиш 1993 йилнинг октябрида бошланиб, у 1995 йил май ойида ишга тушди. Корхона лойиҳа қувватига кўра йилига бир неча тонна олтин ишлаб чиқаради. Лойиҳа бўйича капитал харажатлар 225 миллион доллар бўлиб, унинг 60 фоизи халқаро молиявий ташкилотлар кредити ҳисобига молиялаштирилди.

Корхонага унинг бутун фаолияти давомида олтинга бой рудани беришга қарор қилинди. Шуни ҳисобга олиб, «Зарафшон – Ньюмонт» қўшма корхонаси Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 30 миллион доллар миқдорида кредит олди. Кредит корхонага янги ускуналар олишга сарфланди. Ушбу маблағлар корхонани бир неча йил давомида фаолият кўрсатишига имкон беради.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов жаҳон бозорида олтиннинг баҳоси пасайган ноқулай шароитларда ҳам асло ишни сусайтирмаган қўшма корхонанинг муваффақиятли фаолиятини бир неча бор қайд этиб ўтган. Таъкидлаш керакки, «Зарафшон – Ньюмонт» жаҳоннинг олтин ишлаб чиқарувчи энг яхши 25 та корхонаси сафига кирган.

Мурунтов кони бундан ўттиз йил аввал очилган бўлиб, Ўзбекистонда қазиб олинадиган олтиннинг кўп қисми шу ерда барпо этилган Навоий кон металлургия комбинати улушига тўғри келади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳукумати томонидан кон ва комбинатни таъмирлаш дастури қабул қилинди. Бу олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беради. Бунга кетадиган инвестиция ҳажми 900 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Туркистон-пресс»

Она ва Замин...

Она - замин уйғунлиги жонли тарзда акс этган ушбу суратда ўзбек аёлининг Она табиатга, Она заминга бўлган меҳру муҳаббати ифодаланган.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги «Ёдгорбобо» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Завраат опа Бердиева бир неча йилдирки, заминга уруғ қадаб, буғдойдан мўл ҳосил олиш билан машғул. Унинг тиниб-тинчимай, заҳмат чекиб қилаётган меҳнати, шубҳасиз, улкан самара бермоқда.

К. ХЎЖАМБЕРДИЕВ сурат-лавҳаси.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги «Меҳрибонлик» уйларига ўзининг инсонпарварлик ёрдамини топширди.

– Фарзандлар камоли эртанги кунимизнинг истиқболидир, – деди жамғарма раиси Ойниса Мусурмонова «Туркистон-пресс» мухбирига. – Жамғармамиз оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмонан бақувват, маънан етук фарзандларни тарбиялаш, оилада соғлом фарзанд туғилишини таъминлаш ва шакллантиришга кўмаклашиш ниятида кўплаб йўналишларда иш олиб боради. Бу галги инсонпарварлик ёрдами мамлакатимиз ҳукуматининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида тақсимланди.

«ЮСТ–НАРИН» ИШ БОШЛАДИ

Қаршида Швейцариянинг «Юст-Нарин» фирмаси ўз ваколатхонасини очди.

Фирма Швейцария тоғларида ўсадиган ноёб шифобахш ўсимликлардан турли касалликларни даволашда ишлатиладиган дориворлар тайёрлаш ва сотиш, беморларни шу дорилар ёрдамида даволаш билан шуғулланади.

Фирмада шартнома асосида ишлаётган ҳамкорларнинг фикрича, Швейцарядан юборилаётган бу дорилар эфир ёғи, лимон, апелсин ёғи ва гиёҳлар аралашмасидан тайёрланган бўлиб, шамоллаш, ўпка, жигар, ошқозон, эркакларда мижоз сустлиги, тери касалликлари ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.



Малайзия. Куала Лумпур шаҳри. Дунёдаги энг баланд эгизак бинолар.

Шарҳ

ЯҚИН ШАРҚ: УРУШ ВА ТИНЧЛИК ОРАЛИҒИДА

Бу минтақа ҳамон сайёрамиздаги оғриқ нуқталардан бири бўлиб қолмоқда.

Ғайритабиий бўлса-да, бир савол: бу кўҳна жаҳонда қайси эл, қайси миллат урушни оқлаган ўзи? Жавобнинг инкордан иборат бўлиши аниқ. Зеро, одам болалари уруш деган даҳшатдан ҳеч қачон ҳеч қандай наф кўрган эмас ва кўрмайди ҳам.

Аммо орадан ярим асрдан зиёд вақт ўтаётган эса-да исроилликлар билан арабларнинг ўзаро жангу жанжаллари барҳам топмаётир. Аксинча, ёниб-ёниб тугай-тугай деб турган адоват олови бир-бир ярим йил аввал арзимаган баҳона туфайли бошланиб кетган охири кўринмас можарога айланиб бир зумда яна аланга олди. Ўрмонга ўт кетса хўлу қуруқ баробар ёнади деганларидек, янги – Фаластин давлати ташкил этиш ва Тель-Авив билан тинч-тотув яшаш сингари минтақа барқарорлигига доир қатор масалалар аро йўлда қолди.

Фаластинлик бир ҳовуч жангариларнинг Исроил ҳудудида хунрезлик қилиши ва бунга жавобан расмий Тель-Авивнинг Фаластин стратегик объектларини ўққа тутиши билан гуриллаб ёнаётган уруш гулханига Қизил денгиз соҳилида қўлга олинган қурол-аслаҳа ортилган кема воқеаси келиб қўшилди. Ариель Шарон, унга эргашиб баъзи хорижий раҳбарлар бунда Есир Арофатнинг қўли борлигига ишора этиб, уни қораладилар.

Арофат-чи? У нима деди? Ўзига қўйилган ҳамма айбларни рад этиб, Исроил ҳукуматини тинмай тинчлик музокаларини қайта бошлашга чақиряпти. Тўғри, жаҳондаги етакчи давлатлар ҳам қўл қовуштириб туришмаяпти. Масалан, АҚШ маъмурияти икки тарафни ҳам муаммони музокаралар йўли билан бартараф қилишга мунтазам даъват этиб келмоқда. Бироқ...

Бу заминда тинчлик ўрнатиш ғояси, гапнинг очиғи, ярага туз сепгандек бўлиб қолаяпти. Минглаб қурбонлар, харобага айланган бинолар, бошпанасиз қолган аҳоли... Хуллас одам этини жунжиктирадиган даҳшатли манзаралар...

Бу тариқа кетадиган бўлса, Яқин Шарқдаги можаро узоқ давом этадиган кўринади. Бундан ситамзада халққа яна азият етиши турган гап. Лекин кўнгилда умид учқунлари ҳам йўқ эмас. Бу – сулҳпарварларнинг ташаббуси-ю саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ,
«Адолат» мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

• АРГЕНТИНА да навбатдаги президентлик сайлови 2008 йил 14 сентябрда бўлиб ўтади. Бу ҳақда мамлакатнинг амалдаги президенти Эдуард Дуальде маълум қилди. Маълумки, Дуальде ўтган ой бошида Аргентина конгресси томонидан ушбу лавозимга тайинланган эди.

• БЕЛЬГИЯ ташқи ишлар вазири Луи Мишель мамлакат ҳукумати номидан 1961 йили мустақил Конго Республикасининг биринчи Бош вазири Патрис Лумумбанинг ўлдирилиши билан боғлиқ тафсилотларни маълум қилди. Бельгия парламентида сўзлаган нутқида у «ўша пайтдаги ҳукумат вакиллари Патрис Лумумбанинг қурбон бўлишига олиб келган воқеаларнинг бир қисмида сўзсиз айбдордирлар», дея таъкидлади.

• АҚШ ҳарбий қўмондонлиги Гуантаннамо (Куба)даги ҳарбий денгиз базасига «Ал-қоида» экстремистик гуруҳи ва «Толибон» ҳаракатига алоқадор асирларни олиб келишни давом эттиришни режалаштирмоқда. Пентагон вакилининг айтишича, бу иш икки ҳафтадан сўнг бошланади. Айни пайтда Гуантаннамода 158 та асир бор.

• Жанубий Африка Республикасида содир бўлган поездлар тўқнашуви натижасида 22 киши ҳалок бўлган, 117 киши тан жароҳати олган, улардан 36 нафари оғир аҳволда. Фожиа сабаблари ўрганилмоқда.

• Индонезия пойтахти Жакартадан 800 километр шарқда – Бондовозо ва Ситубондо ҳудудларида юз берган тошқин натижасида 30 киши ҳалок бўлган. Қутқариш ишлари давом этмоқда.

• Курил ороллари бири – Парамуширеда кучли вулқон отилиши натижасида 50 километр радиусдаги майдонлар газ ва кул билан қопланган. Сейсмологларнинг фикрича, Шимолий Курильск шаҳри яқинида яна бир вулқон уйғониш хавфи бор.

Париждаги Эйфель минораси миллионлаб одамларни мафтун этган.

● Эртага ғазал мулкининг султони, ўзбек классик адабиётининг асосчиси, халқимизнинг фахри ва ифтихори, жаҳон маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллуд топганига 561 йил тўлади.

НАВОИЙ ИЖОДИДА АДОЛАТ

Алишер Навоий ўз умри давомида адолатли жамият тузишда қонун устиворлигига, ҳуқуқ-тартибот, одил қози судловига катта аҳамият берган шоири аъзамдир.

У ҳеч ким қонун ва ҳуқуқни ўз билганича талқин қилмаслиги керак, деган хулосага келади. Юз берган барча ҳуқуқбузарликларда аввало мансабдорларни айблайди. Ўз асарларида ҳукмдорларнинг ўзбошимчалик, порахўрлик, ўз вазифасини суиистеъмол қилишларига чек қўйилиши зарур, деган ғояларни илгари суради. «Қонун қўриқчилари бўлмиш қози ва уламолар томонидан жиноят содир этилиши асло кечирилиб бўлмайдиган ҳолдир. Ҳукм қаттиқ бўлиши мумкин, лекин у албатта адолатли бўлмоғи лозим. Одамларга нисбатан шафқатсизлик қилишдан ўзингизни тийинг», – дея бобомиз қилган даъват асрлар оша садо бериб келмоқда. У қозилик ишларидаги сансалорликни қаттиқ қоралайди. Ҳукмдорларга шикоятларнинг моҳиятини чуқур билиб олишларини, тўғри қарорга келишларини маслаҳат беради.

Алишер Навоий Астрободда ҳоким бўлган пайтларда асарларида баён этган адолат ўрнатиш хусусидаги орзу-умидларини давлат, идора ишларида қўллайди ҳам. Халқдан ортиқча солиқлар ундираётган амалдорларни ишдан бўшатади. Астроболнинг ободончилигига катта аҳамият беради, у ердаги олимлар, санъаткорлар ва шоирлар билан алоқа боғлайди, уларнинг ижодий ишларига ёрдам беради, раҳбарлик қилади. Шунингдек, Навоий Ҳусайн Бойқаронни инсофли ва маърифатли ҳукмдорга айлантириш ниятида унга давлат идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислоҳотлар ўтказишга ундовчи мактублар ҳам йўллайди. Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўстлиги, бир-бирини чексиз ҳурмат қилиши, бир-бирига суяниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳусайн Бойқаро адолатли ва халқпарвар подшоҳ сифатида Алишер Навоийнинг ҳурматига сазовор бўлган эди. У адабиёт ва санъатни теран тушунадиган, ўзи ҳам Амирий таҳаллуси билан ғазаллар ёзар эди. Улар бир-бирининг асарларини юқори баҳолар эдилар. Ҳусайн Бойқаро ўз «Рисоласи»да Навоийни туркий тилнинг буюк қудратини намойиш қилганлиги учун «Сўз мулкининг соҳибқирони» деб атайди.

Улуғ шоир оламни тутиб турувчи ва инсонни саодатманд қилувчи куч яхшиликда, дўстликда, тинчликда, ҳалол меҳнатда деб билади.

Алишер Навоийнинг буюк орзу-армони одил шоҳ, адолатли тузум эди. Навоий инсоннинг чексиз куч-имкониятига эга ва бахт-саодатини калити ўзида, ҳалол меҳнатида эканлигини уқтиради. Шоир ҳар бир дақиқанинг қадрига етишни, ўтган кунни қайтариб бўлмаслигини, ҳар бир дамни ғанимат билиш, туғилмоқ бор ерда ўлмоқ муқаррар, шунинг учун яхши яшаш ва эзгу ишлар қилишга ошиқиш кераклигини айтади.

Бу дамни тут ғанимат ким,
келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти ҳуд андин
киши топмас нишон ҳаргиз...

Навоий асарларида Қуръон ва Ҳадис ғояларидан кенг фойдаланган ҳамда «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Насойимул-муҳаббат» асарларида динни ниқоб қилиб элни алдаган, ғиромлик билан бойлик йиққан ва нопок ишлар қилган риёкор шайхларни, сохта руҳонийларни қаттиқ танқид қиладики, бу ҳам улуғ шоирнинг ғоят адолатли эканлигидан далолат беради.

Навоийнинг «Лисонут-тайр» асаридаги Ҳудҳуд, Тўти, Булбул, Қумри, Товус, Олақарға, Қарға, Калхат каби қушлар одил подшоҳни орзу қиладилар ва Ҳудҳуд шундай подшоҳ борлиги, у Семурғ деб аталишини айтади. Қушлар қуръа ташлаб, Ҳудҳудни ўзларига раҳбар қилиб, унинг раҳнамолигида етти водийни босиб ўтадилар (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано водийлари). Қушлар ўзлигидан кечиб, садоқат ва ихлос билан мақсад сари интилиб, «Иқбол даргоҳи»га етадилар – Фоний бўладилар. Инсон бу ерда кўрсатилган етти водийни босиб ўтиб, ҳамма қусурлардан фориғ бўлгандагина комил инсон даражасига кўтарилиши мумкин. Навоийнинг бош мақсади ҳам комил инсонни кўриш ва Ҳаққа етишишдир.

Навоий ўз асарларида қонунсизликка, адолатсизликка, осойишталикни бузишликка қарши курашди. Адолатнинг тантана қилишини акс эттирди ва шу тариқа халқ бахт-саодати тўғрисидаги юксак инсоний ғояларни илгари сурди.

Санобар ОДИЛОВА,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

● Тошкентда даҳо шоир ва етук давлат арбоби Алишер Навоий ҳазратларига қўйилган ҳайкал.

АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ...

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441 – 1501) ўзининг асарларида адолат ғоясининг ажойиб намуналарини яратган. У ўз асарида инсоннинг ер юзидаги ҳақиқий инсон ҳуқуқи билан яшашини, инсон шахсининг озодлигини ёқлайди. Инсон деган номни юқори даражага кўтаради.

Одам ва унинг қадр-қиммати Навоий ижодиётида марказий масалани, адолат ғояси эса шоир асарларининг асосий мазмунини ташкил этади. Навоий шундай тамойилга асосланадики, инсонпарвар кишигина ҳақиқий инсондир. Навоий фикрича, одиллик энг аввало одам, меҳнаткаш халқ ва унинг қадр-қимматига тўғри баҳо беришда бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам буюк шоирнинг:

Одамий эрсанг демагил одамий,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами, –

деган шеърий жумласи халқ оғзаки афоризмига айланиб кетган. Навоий халққа манфаат етказишни истамовчи, фақат ўзининг нафси, тор шахсий манфаатлари билан яшашга интилувчи кишиларга нафрат билан қараб, ундай кишиларни энг ёмон, пасткаш кишилар, дейди. У «Хамса» асарида:

Улки хаёли бори фосид дурур,
Барча салоҳ аҳлига хосид дурур.

Яна:

Ани англа муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.

деб ёзади.

Навоийнинг диққат марказида турган олижаноб кишилар – ҳунармандлар, деҳқонлар. Улар ҳаммани боқувчилар, ҳамма бойликларни яратувчилардир.

Олам маъмурлиги алардин ва
Олам аҳли масрурлиғи алардин.
Ҳар қаёнки қилсалар ҳаракат, элга,
Ҳам қут еткургайлар, ҳам баракат.

Навоий инсондаги энг яхши фазилат – дўстлик, деб ҳисоблайди ва дўстликдаги садоқат ва адолатга катта эътибор беради.

Навоийнинг таълимича, садоқат ва вафодорлик бўлмаган жойда ҳақиқий дўстлик бўлмайди. Ростгўйлик ва тўғрилик эса одиллик белгисидир. Навоий фақат алоҳида кишилар ўртасидагина эмас, балки турли халқлар ўртасидаги ҳақиқий дўстликни ҳам орзу қилган эди.

Навоий «Ҳайратул-аброр» ва «Маҳбубул-қулуб» асарларида ўзи яшаган жамиятдаги ҳамма хил ҳаромхўр қатламларни уларга бағишланган махсус бобларда характерлаб кўрсатади, уларнинг ифлос хислатларини фош қилади. Навоий феодал жамиятдаги очкўзлик, таъмагирлик, бойлик орттириш учун бўлган ҳирс-ҳавасларни, мулкдорларнинг ишратпарастлигини кўрсатиб, токи булар тугамас экан жамият фаровонлиги бўлмаслигини уқтиради.

То ҳирс ҳавас хиромони барбод ўлмас,
То нафс ҳаво қасри бартараф ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас,
То зулм ситам жонига бедод ўлмас.

Навоий шуни тасдиқлайдики, икки юзламачи ва золим ҳеч қачон одамга дўст бўлолмайди. Шунинг учун ҳам у:

Фосиқдан ҳаё тилама,
Золимдан вафо тилама.

деб таъкидлайди.

Навоий ўз асарларида мустабид ва золим подшоҳларни дадиллик ва жасорат билан фош қилади. «Маҳбубул-қулуб» асарида Навоий шундай деб ёзади: Одил подшоҳ ойнанинг юзи бўлса, жоҳил ва фосиқ подшоҳ унинг орқа томонидир. Зулм золим подшоҳнинг севимли касби, фисқ унинг кўнглига мос ишдир. Мамлакат харобалигидан унинг кўнглида хотиржамлик, халқ паришонлигидан эса унга омонлик. Абадийлар – анинг зулмидан вайрона ва кабутар токчалари бойқушга ашёна.

Навоий бундай подшоҳларга адолатли ва халққа хизмат қилишни ўзининг бурчи деб билувчи давлат арбобларини қарама-қарши қўяди. Навоий фикрича, шоҳ адолатли бўлмоғи керак. Агар шоҳ адолатсиз бўлса, мамлакат харобаликка айланади. Шоҳнинг асосий касби – адолатдан иборат бўлмоғи керак.

Навоий «Садди Искандарий» достонида тасвирланган Искандар каби одил ҳукмдорнинг бўлишини орзу қилган эди. У Искандар олдига шундай вазифани қўяди:

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам юзин обод қил.

Лекин А. Навоий ўз даврининг фарзанди сифатида ўша давр тарихий шароити билан чекланган ва феодал мафкура чегарасидан ташқари чиқа олмаган эди. Шундай бўлишига қарамай, ўша давр шароитида Навоийнинг инсонпарварлик ва адолатпарварлик ғоялари унинг катта тарихий хизмати эди ва у ҳозирга қадар ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келади.

А. МУҲСИНОВ.

● Навоий Шарқнинг буюк шоирлари даврасида.

Алишер НАВОИЙ

ҒАЗАЛЛАР

Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур,
Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоно-жон эрур.

Жоним андоқ тўлди, жонондинки, бўлмас фаҳмким,
Жон эрур жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур.

Бўлса жонон бордурур жон ҳам чу жонон қилди азм
Жон кетиб жонон била жондин манга ҳижрон эрур.

Жон манга жонон учундир, йўкки, жонон жон учун,
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вале осон эрур.

Борса жон, жонон йигит, гар борса жонон, жон кетар,
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эрур.

Ҳуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар,
Бўлмаса, жон ўйлаким, ўлмас жаҳон эндин эрур.

Жоним ол, эй ҳижру жононсиз манга ранж истама,
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

* * *

Юзу зулфингни соғиниб келмишам, эй маҳжабин,
Кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин.

Оху афғон чекма деб, оғзимга, жоно, мухр кўй,
Чунки лаълинг хотаму ёкути нобингдур нигин.

Лаълининг бир-бир ҳадиси шаҳддек ширин эрур,
Ори-ори доимо гул баргидиндур ангубин.

Лаъл уза хат ичра холингдур ниҳон ё ҳиндўйи
Сабзада ёшунди шаккар қасдиға айлаб камин.

Янги ой хуршид аро бўлмоқ аён маъқул эмас,
Вах, недур айлаб ғазаб солмоқ жабининг узра чин.

Шамъни парвона қуйдурмакдин, эй гул, қилма айб,
Булбул эрмастурму кул, ё сен эмассен оташин.

Эй Навоий, очмағай қонимдин ўзга лолаи,
Ҳар гияҳ бу йўлдаким, қатлимга чекиш тиғи кин.

Эҳтиром

Яқинда асосан зиёлилардан иборат бир даврада узоқ йиллар матбуотда хизмат қилган устоз журналистлардан бири билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбат давомида устоз матбуотда ўзи ишлаган йилларни хотирладилар, республикамиз матбуоти ривожига баракали улуш қўшган, ҳозирда ҳам бой тажрибаси билан ёш журналистларга мураббийлик қилиб фаол ишлаб келаётган бир қатор отахон журналистларни фахр билан тилга олдилар.

Устознинг, айниқса, ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида бир бинода, ёнма-ён жойлашган таҳририятда ишлаган кезларим катта тажрибаси, қимматли маслаҳатлари, ҳузурбахш суҳбатларидан ўзим ҳам баҳраманд бўлган, «Тошкент оқшоми» газетасида ташкил топган кунидан буён муқим ишлаб келаётган, ўз касбига чексиз садоқати билан касбдошлари ҳурмат-эътиборини қозонган Солиҳ ака Ёқубов хусусида айтган самимий фикрлари мени бениҳоя тўлқинлантириб юборди, ана шу заҳматкаш ва ўз танлаган касбига фидойи инсоннинг айрим фазилатларигина қаламга олинган ушбу ҳикоямга туртки бўлди.

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

Солиҳ аканинг касбга садоқати хусусида сўз юритишдан олдин бир муддат хаёлга толдим. Очиғини айтиш керакки, ҳар биримиз ҳам оқ-қорани, эгри-тўғриликни, дўсту душманни фарқ қила оладиган ёшимиздан бошлаб турли касб-кор соҳибларига кўп дуч келганмиз. Улар хусусида баҳоли қудрат баҳо беришга уринганмиз: уларнинг бир тоифаси – ўз касбининг ҳақиқий фидойиси, иккинчиси учун касб – амал-тақал умр ўтказиш воситаси, яна бировлари учун эса – бойлик орттириш манбаи.

Хуллас, Солиҳ ака ана шу биринчи тоифага, яъни ўз касбини улуғлайдиган, у билан фахрланадиган инсонлардан. Унинг қирқ уч йилдан ортиқ вақт давомидаги ибратомуз журналистик фаолияти фикримизнинг тасдиғидир.

* * *

Солиҳ аканинг шогирдларига меҳрибонлиги, улар тақдири тўғрисида қайғуриш фазилати хусусида гап борганда ҳаётининг бурилиш нуқтасида ўзгалар кўмагига эҳтиёжманд бўлган бир журналист биродаримизни тез-тез эслаб тураман.

...Ўшанда камина «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» илмий-ишлаб чиқариш журналида таржима бўлими муҳаррири вазифасида ишлардим. Олти босма табоқ ҳажмидаги ойлик журнал материалларини таҳрирдан чиқариш, рус тилидаги оригинали билан солиштириб чиқиш шу бўлим муҳаррири вазифасига кирарди. Айтиш керакки, муаллифлари асосан академик, фан доктори, фан номзоди кабилардан иборат бўлган материалларни рус тилидан ўзбек тилига ўгириш, таҳрир қилиш бу ишни бажарувчидан алоҳида қобилият талаб қиларди. Вақти келиб, иш ҳажми инобатга олиниб бўлимга битта адабий ходим штати берилди. Турган гап, бу штатга муносиб кадрни топиш – танлаш менга юкланди. Ҳам таҳрир, ҳам таржима бобида «суяги қотган» журналистни топиш осон эмасди. Узоқ танлаш – синашлардан кейин навбат битта номзодга – бир неча йил «Тошкент оқшоми» газетасида ишлаган ёш журналистга келиб тақалди. Номзод тўғрисида анча-мунча таниқли, уни ҳар томонлама яхши биладиган ҳамкасблардан фикр-мулоҳазалар йиғилди. Бош муҳаррririmиз – узоқ йиллар матбуотда ишлаб бу соҳадагиларнинг кўпчилигини яхши биладиган Тўлаган ака Нажмиддинов номзод хусусида мулоҳаза билдирганлар рўйхатини кўздан кечириб анчагина чурқ этмади. Ниҳоят қайсидир фамилияга навбат етганда бирдан тўхтади: «Бу бошқа гап, мулла, бундай одамнинг баҳоси биз учун қонун. Бўлажак шогирдингиз эртагаёқ иш бошлайверсин».

Фикр-мулоҳаза билдирганлар рўйхатини олдим-у дарҳол бош муҳаррир рўпарасига белги қўйган фамилияга кўз югуртирдим: «Ёқубов Солиҳ Боқиевич – «Тошкент оқшоми» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари». Солиҳ ака тавсия этган ўша номзод – Муҳамадвали Муродов журналда узоқ вақт самарали меҳнат қилди, вақти келиб бўлим муҳаррири бўлди. Ҳозирги вақтда у республика Олий Мажлиси аппаратида масъул вазифада ишламоқда...

Дарҳақиқат, 43 йиллик журналистик фаолияти давомида Солиҳ ака кўплаб ёшларга мураббийлик, устозлик қилди. Солиҳ ака ни кўрганда унинг истиқболига пешвоз чиқадиган, устоз деб ардоқлайдиган, у ҳақда гап кетганда оғзидан бол томиб гапирадиган садоқатли шогирдлари чиндан ҳам бисёр...

* * *

Ҳар бир инсоннинг юриш-туриши, ҳулқ-одоби, одамийлиги, оилавий турмуш тарзи, ўзгалар ташвишига муносабати каби ноёб инсоний фазилатлари тўғрисида у истиқомат қиладиган маҳалладагиларчалик холис баҳо берадиган бўлмаса керак. Солиҳ ака яшайдиган пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур маҳалласи оқсоқоллар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директорининг ўринбосари, таниқли шарқшунос Баҳриддин Маннонов маҳалладошлар фикрини жамулжам қилиб қуйидагиларни зикр этдилар:

– Солиҳжондек инсонни қисқача таърифтавсиф қилиш жуда мушкул. Боиси – Солиҳжон шарафли касб, нуфузли лавозим соҳиби бўлишларига қарамай, ўта камтар инсон. У киши маҳалланинг ҳақиқий жонкуяри, ибратли оила соҳиби, фаол ташкилотчи. Маҳалла оқсоқолининг маслаҳатчиси сифатида маҳаллада ўтадиган ҳар қандай тўю маъракага бош-қош. Каттаю кичик – барчанинг ташвишига ўзиники каби муносабатда бўлади. Солиҳжоннинг ўзигагина хос бўлган яна бир фазилатини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Яъни у киши ўзи таклиф этилган тўйлар, юбилейлар, катта-кичик тадбирларнинг таклифномаларини 43 йилдан буён авайлаб асрайдилар. Лавозими, касби-коридан қатъий назар, барча дўсту биродарлари, таниш-билишларини таваллуд кунлари, байрамлар билан қутлашни асло унутмайдилар. Бинобарин, бунинг учун ҳам инсонда аввало бошқаларга нисбатан эътибор, ҳурмат бўлмоғи керак. Хуллас, Солиҳжон исми-шарифига муносиб, фақат эзгулик учун яратилган инсон.

Шоир Шукур Дадашнинг қуйидаги мисралари Баҳриддин аканинг Солиҳ ака тўғрисидаги фикрларининг яна бир тасдиғидир:

Солиҳ инсон қўйган Солиҳ исмини,
Қаранг, мос келишин исму жисмини.
Солиҳдур қалби, ҳам солиҳ иймони,
Эзгулик йўлида ўтар ҳар они.

* * *

Олтмишинчи баҳорини қаршилаётган Солиҳ ака ўзининг журналистика соҳасидаги фаолиятини бундан қирқ уч йил муқаддам ЎзТАГ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги)да бошлаган. У ерда Рихси Саҳибоев, Насибулла Ҳабибуллаев, Шербек Алиев, Турғун Пўлат, Собит Тоиров, Илҳом Фозилов, Абдусамад Обидхўжаев, Ёқуб Иброҳимов каби таҳрибали қалам соҳиблари билан бирга ишлаш, улардан сабоқ олиш бахтига муяссар бўлган.

Солиҳ аканинг матбуотдаги фаолияти асосан «Тошкент оқшоми» газетаси билан боғлиқ. У ўзини мазкур газета таҳририятида унинг бош муҳаррири Саъдулла Кароматовдек истеъдодли ёзувчи ва беназир журналист Ўткир Ҳошимов, Максим Каримов, Тўлқин Расулев, Усмон Юсупов, Ҳамиджон Икромов, Тўхтамурод Тошев, Муҳаммад Юсуф, Акмал Акромов, Абдуқодир Ниёзов, Маҳмуд Комилжонов, Сирожиддин Саидов, Насриддин Муҳаммадиев, Карим Норматов, Мурод Абдуллаев, Абдулла Пўлатов, Абдуғани Абдуллаев каби эл ардоқлаган ўткир қалам соҳиблари билан учраштирган тақдиридан ҳамиша миннатдор. Жонажон «Оқшоми» туфайли Шорасул Зуннун, Абдусодиқ Ирисов, Маҳмуд Ҳасаний, Зикрилла Эгамбердиев, Карим Маҳмудов, Искандар Раҳмон, Билол Аминов, Шукур Дадаш каби фаол жамоатчи ижодкорлар билан бақамти ишлаганидан, Мирмуҳсин, Ҳаким Назир, Муҳаммад Али, Пўлат Мўмин каби машҳур адиблар, Фахриддин Умаров, Неъматжон Қулабдуллаев, Хайрулла Лутфуллаев, Ҳожиакбар Ҳамидов каби санъаткорлар, эл назарига тушган кўплаб бошқа соҳа намояндалари билан қадрдон бўлиб қолганидан ҳамиша дили чоғ, кўкси тоғ.

Газета саҳифаларини безаган, ўқувчиларга ғоятда манзур бўлган «Куй авжида узилмасин тор», «Умидига етганда юлдузи сўнган Умида», «Вафо ва жафо», «Она ноласи», «Музлаган юрак» каби ҳикоялар, қалб қўри билан ёзилган кўплаб очерклар, публицистик мақолалар Солиҳ аканинг илҳом булоғи маҳсулларидандир.

«Тошкент оқшоми»нинг ўттиз беш йил давомида эл-юрт орасида катта эътибор қозонишида, ўқувчилари доирасининг тобора кенгайиб бораётганида, долзарб мавзудаги рангбаранг жанрдаги материаллари билан мустақил юртимиз истиқболига улкан улуш қўшаётганида, она шаҳримиз Тошкентнинг довруғини жаҳонга ёйишида унинг ижодий жамоасида 35 йилдан бери сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Солиҳ ака Ёқубовнинг улуши беқиёсдир.

Мавриди келгани боис, шу ўринда Солиҳ аканинг 43 йиллик қадрдон дўсти, халқимизнинг суюкли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республика Давлат мукофоти ва «Буюк хизматлари учун» ордени нишондори Ўткир Ҳошимовнинг Солиҳ ака ҳақидаги қуйидаги дил сўзларини келтириш ўринлидир.

– Ўзбекнинг «Дарахт бир жойда кўкаради», деган мақоли айнан Солиҳжон учун айтилган бўлса ажабмас. У деярли бутун умри давомида бир жойда – «Оқшом»да ишлаб келяпти. Агар Солиҳ Ёқубов қирқ уч йил давомида ёзган, таҳрир қилган, таржима қилган асарлар, мақолалар, газета тилида айтадиган бўлсак, «материаллар»ни тўплам қилинса бемалол эллик жилдлик китоб бўлади. Бир ерда шунча йил ишлаб, шунча меҳнат қилган заҳматкаш ижодкорга ҳарчанд миннатдорлик билдирса оз...

Дарҳақиқат, Ўткир аканинг бу сўзларида катта маъно бор. «Меҳнат қилган – элда азиз», деганларидек, табиат ато қилган истеъдод, меҳнатсеварлик, юксак касб маҳорати, ташкилотчилик қобилияти, камтаринлик, одамохунлик, ширинсуханлик, сабр-қаноат, ҳалоллик, дўстларга садоқат, эл-юрти, маҳалладошлари юмушига камарбасталик Солиҳ акага энг олий мукофот – обрў-эътибор келтирди, уни «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» юксак унвонига мушарраф этди.

* * *

...Азим Тошкент узра оқшом чўкди. Кўплаб ишхоналарда кундалик юмушлар поёнига етиб чироқлар аллақачон ўчган. Бироқ шаҳарнинг қоқ ўртасидаги матбуот маскани хоналарида чироқлар ҳали-ҳануз ёниқ. Ана шу чироғи ёниқ хоналардан бири Солиҳ аканики. Хона соҳиби ҳали ҳам ижод билан банд. Мақсади – эртага минглаб хонадонга кириб борадиган аҳил жамоасининг сермашаққат, аммо шарафли меҳнати маҳсули бўлган қадрдон «Оқшом» газетасини янада қизиқарли, ўқишли қилиш.

Сизга обрў-эътибор келтирган, иззат-ҳурматга сазовор этган ижодхонангиз, эзгу ишларингиз ёғдусидан, умр йўлдошингиз Рихсихон аянинг меҳр-муҳаббатидан, оқилу оқила фарзандларингиз, ширин-шакар невараларингиз шодлигидан ҳамиша нурафшон табаррук хонадонингиз чироғи асло сўнмасин, азиз ва муҳтарам Солиҳ ака!

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Турмуш чорраҳаларида

БИЗНИНГ ХОТИН ДУБАЙДАН ҚАЙТДИ...

Садқаи эркак кет-а!..

Ҳар кунги одат бўйича ишдан уйга қайтиш учун кўчадаги «Дамас»га ўтирдим. Доимгидек, йўловчилар ўзлари билан ўзлари. Кимдир жим, кимдир ёнидаги киши билан гаплашиб кетарди. Бирдан ҳайдовчи ёнида ўтирган ширакайф бир эркак орқасига ўгирилди. Охирги ўриндиққа жойлашган улфатига гап қотди:

– Чорсуда қолиб, бир оз ўтирамизми?

– Ҳамён чатоқроқ, ока!

– Ҳа, сизда бўлмаса, мана бизда бор-да, ука! – кўзлари чақнаб давом этди. – Кеча янгангиз Дубайдан қайтдилар.

– А, тузук бўлибдими?

– Ҳа, энди, ризқ-атолик...

– Қанча бўлдилар у ерда?

– Ўттиз тўққиз кун деганда эшикдан кириб келди.

– Тани-жонлари соғ бўлсин, ока. Сизнинг бу юришингиз янгамдан. Мана, бизнинг хотин топганимизни еб ўтирибди. Бундоқ кўчага чиқ, бозор-ўчарни ўргангин десам: «Эркак бўлсангиз, боқиб оласиз-да,—» дейди.

– Ўзингиз бўшсиз-да, – гапни илиб кетди олдинги ўриндиқдаги ҳалиги киши. Ва ўзича йўл-йўриқ ўргата бошлади. – Озгина қантариб қўйсангиз, ўзи ўрмалаб қолади. Бир оздан сўнг мақтана бошлади.

– Келинойингиз бир танишимдан беш юз сўраб, бозор бошлаган эди. Ҳозир беш миллиондан ошиб кетди. Бир сафар Корея, ундан кейин Дубай, баъзида Россия давлатларига ҳам бориб келяапти.

Ҳалиги эр оғзини тўлдириб мақтанишда давом этарди. Менинг кўз олдимда эса ўзининг кичик жуссаси, аёл номи билан оила тебратаман дея юртма-юрт кезган муштипар она сиймоси гавдаланди. Шўрлик, бир тангани кўпайтираман деб, не кўйларга тушаяпти экан? Кимларга хор, яна кимларга зор бўлди экан?!.

«Эркак» ниқоби остида кун кўраётган, аёлининг ортидан гердаяётган бу одамга қараб, садқаи эркак кет-а... деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

НИГОРА.

Ҳукм ўқилгандан сўнг...

ҚОТИЛ АРАВАКАШ

ёҳуд бозор бедарвоза эмас!

Бугунги кунда пойтахт бозорларида турли вилоятлардан, қишлоқлардан келиб, «аравакаш»лик қилиб, тирикчилик ўтказаётганлар кўп. Очиғини айтиш керак, бу тоифанинг ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши жуда оддий бўлса-да, аммо топиш-тутиши ёмон эмас. Кунига 2-3, ҳатто 5-6 минг сўмгача пул топишмоқда.

Бироқ, минг афсуски, уларнинг баъзилари ҳалол меҳнат эвазига топаётган бундай пулларини эзгу мақсадлар сари йўналтирмаяптилар. Ароқхўрлик, гиёҳвандликка ружу қўйиб топаётган пулларини елга совураётганлари ҳам йўқ эмас. Бундан ҳам даҳшатлиси «аравакаш» ниқобига ўралиб, бозорларда киссавурлик қилаётганлари, у ёки бу дўконни тунаб кетаётганлари, ҳатто қотилликка қўл ураётганлари ҳам бор.

Худди шундайлардан бири Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Жума қўрғончасидан Шарофиддин Каримовдир. 29 ёшга тўлган бу йигит 1997 йилдан буён Тошкентда «тирикчилик» қилади. У дастлаб ёлланиб ишлаб юрди. Кейин Илҳом ака деган кишига учраб, унга «пастда бир одам ўлиб ётибди» деди. Бу гап шу ерда ҳозир бўлган одамларни ваҳимага солди. Улар бориб қарашса, чиндан ҳам Шарофиддин айтган жойда бир мурда ётган экан. Дарҳол милицияга телефон қилиб, воқеани баён қилишди. Тез-инроқ эса Эски шаҳардаги «Чорсу» бозорига келиб, «аравакаш»лик қила бошлади. Бироқ, бу ишдан қониқмади. Бор-э, деди-ю, аравасини сотиб юборди-да, «Бедана» ошхонасига кириб, 150 грамм «оқи»дан отиб олди. Кейин кўчага чиқиб ўзига ўхшаган йигитлар билан бироз гурунглашиб ўтирди. «Бекорчидан худо безор» дегувчи болалар тарқашиб кетишгач, у яна ўша ошхонага кириб, тағин 100 грамм ароқ ичди. Ширакайф бўлиб олгач эса ўша ердаги биллиардхонага кирди. Бироқ, у ердагилар унга «сен мастсан, бориб дам ол, биллиард ўйнамоқчи бўлсанг, эртага келиб ўйнарсан» дейишди.

Ноилож қолган Шарофиддин мулзам бўлганча биллиардхонадан чиқиб кетди-ю, тўппа-тўғри Илҳом ака деган тадбиркорнинг ошхонасига кириб, яна 100 грамм «оқи»дан отди-да, бироз телевизор кўргандек бўлди. Аммо, кетма-кет ичига кирган «жин»лар уни тинч қўймади. Қанча кўп ичса, томоғи тағин шунча тақиллаб кетаверадиган бу баднафс яна 50 грамм ароқни отиб олди-да, кўчага чиқди. Миллий таомлар растаси яқинига келганда эса худди ўзига ўхшаган бир мастга дуч келди. Шунда у бу кимсанинг ёнидан тинчгина ўтиб кетавермай, тегажоқлик қилди. Мастнинг ёнида турган «баклашка»даги сувни олиб, унинг юзига қуйди. Табиийки, бу ҳол мастга ёқмади. Натижада улар «сан-ман»га боришди. Ҳар иккови ҳам маст эмасми, тезда ёқалашиб кетишди. Шунда Шарофиддин ерда ётган узунлиги бир метрча келадиган бурчакли темирни олиб, рақибига яқинлашди. Қутурган, шафқатсиз мастдан Абдураҳмон Абдуллаев қочиб қолишга қодир эмасди. Чунки у ҳам таъкидлаганимиздек, ғирт маст эди. Шу боисдан ҳам у дастлабки зарбадан кейиноқ осонгина ерга йиқилиб берди. Бундан фойдаланган Шарофиддин уни темир билан савалайверди. Бу ҳам камлик қилдими, ё темир билан ураверишдан жонига тегдими, ҳар ҳолда маст калласига «энди темирни улоқтириб, тош билан уриш керак» деган фикр келди. У дарҳол шундай қилди ҳам. Натижада жабрланувчининг танасигина эмас, ваҳшийнинг қўлида тўқмоққа айланган тош ҳам қонга беланди. Жабрдийда шу жойнинг ўзида жон таслим қилди...

Қотил эса муддаосига етган паҳлавондек кеккайганча воқеа жойини тарк этди. Албатта жиноят қуроли бўлган бурчакли темирни ҳам ўзи билан олиб кетишни унутмади ва нарироқдаги зинадан чиқиш жойига етганда уни пастга улоқтирди.

– Акам Абдураҳмоннинг ўлими ҳақидаги хабарни милиция ходимларидан эшитдик. Мурданинг суратини кўриб танидик. Акам ўн йил бурун уйдан бош олиб чиқиб кетган, кўп ичкилик ичар эди. Уни отам оқ қилгандилар...

Бу сўзларни эшитган киши беихтиёр Абдураҳмоннинг мурдаси кўчада ётган ҳолатда топилганининг сабабини ҳам англагандек бўлади. Ҳа, ичкилик марҳумни ҳам хор этган эди. Боз устига, у отасининг қарғишини ҳам олган экан. Шу боис ҳам у ўзи экканини ўзи ўрган кўринади.

Лекин нима бўлганда ҳам бу фожиа иштирокчиларининг бири марҳумга айланди, иккинчиси қотилга. Биз эса ўлган киши хусусида кўп гапиришдан ўзимизни тийиб, қотил ҳақида тўхталсак. У барча қилмишларига жавоб берди. Одил суд уни 16 йилга озодликдан маҳрум этди. Энди у мазкур жазони кучайтирилган режимдаги колонияда ўтайди. Бу бир гап. Лекин биз энди мазкур фожиа иштирокчиларининг тақдиридан ташқари, унинг рўй бериш сабаблари хусусида мулоҳаза юритишни мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Аввало шундай ҳақли савол туғилади: хўш, бу икки норасо одам бозорда нима қилиб юрибди? Улар учун бозор ҳудуди ичкилик хонаси-ю, жиноятхонами? Умуман, пойтахт бозорларига турли вилоятлардан келиб «аравакаш»лик қилиб юрганларнинг ҳисоб-китоби борми? Улар назорат остига олинганми? Қолаверса, уларнинг кўрсатаётган хизматлари учун бирор меъёрий ўлчов белгиланганми? Баъзи аравакашлар арзимас юкни, арзимас жойга олиб бориб беришлари учун ҳам отнинг калласидек пул сўрашлари нақ инсофсизликнинг ўзи-ку! Бунақаларнинг нақадар димоғдор бўлиб кетишларига, боз устига кўрмаганнинг кўргани қурсин деганларидек, куппа-кундуз кунлари жамоатчилик жойи ҳисобланган бозорларда маст ҳолда юришларига нима дейсиз?

Бозор агар таъбир жоиз бўлса, халқ турмушининг, жумладан, маданиятнинг ҳам кўзгуси. Бас, шундай экан, турли қаланғи-қасанғи, ўғримуттаҳамларнинг бу жойлардан ўрин топиб олишига зинҳор-базинҳор йўл қўйиб бўлмайди.

Тўғри, яқинда ҳам аравакашлар судраб юрган араволарга ўрнатилган махсус номерлар бўлар эди. Шу номер орқали унинг эгасини ҳам топиш мумкин эди. Негадир кейинги пайтларда бундай «номерланган» аравалар сони камайиб кетди. Аксинча номерсизлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Бизнингча, бозор бедарвоза эмас! У ерда тирикчилик қилувчи ҳар бир кишининг асл манзили аён бўлиши керак. Агар бирор аравакаш бирор кишининг харидини олиб қочиб кетса, унинг аравасининг номери орқали албатта топиб олинишига эришмоқ мумкин бўлади.

Қолаверса, қишлоқлардан келган бу йигитларга бозорда юриш-туриш қоидалари хусусида ҳам тушунтириш ишлари олиб бориш керакка ўхшайди. Шунингдек, бозор ҳудудида ҳам шунақа аравалар юриши учун мосланган йўлакчалар қуриш лозим. Шундай қилинса, аравакашлар харидорларнинг юрадиган йўлларини тўсиб қўйишмас, баъзан эса уларни уриб-йиқитиб кетмас эди. Биз бу сўзларни бежиз айтаётганимиз йўқ. Бозорларда, айниқса «Отчопар», «Чорсу» буюм бозорлари ва «Эски жува» деҳқон ва гўшт бозорларида тайинсиз аравакашлар кўп. Бас, шундай экан, улар муаммоси хусусида бош қотирмоқ жоиздир. Агар бозор аравакашларининг бир хилда оддий иш кийими кийиб юришларига эришилса, бундан-да улуғ иш бўлур эди. Бизнингча, шундай қилинса, пойтахт аҳолиси Мавлоно Муқимий айтганларидек «бозор чиқмай эмди зинҳор ароба қурсин» демайдиган бўлар эди. Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?

Фахриддин ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар жиноий ишлар бўйича судининг судьяси.
Мурод КАЛОНХОНОВ,
«Адолат» мухбири.

Ривоят

БАХИЛЛИК НАТИЖАСИ

Ҳикоят қиладилар: бир одам ўз хотини билан бирга қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди. Шу чоғда бир гадой келиб, эшикни тақиллатди. Ҳалиги одам эшикни очгач, гадой ўз эҳтиёжини арз қилиб, ундан ёрдам сўради. Уй эгаси ҳеч нарса бермай, у бечорани қувлаб юборди.

Бир неча вақт ўтгандан кейин бу одамнинг омади кетиб, ҳеч нарсаси қолмай, муҳтожликка тушди, ниҳоят, хотинига ҳам жавоб берди. Хотин ундан ажраб, бошқа эрга тегди. У бир кун янги эри билан нон ва қовурилган товуқ гўшти еб ўтирган эди, бир гадой келиб, садақа сўради. Янги эр дарҳол нон устига товуқ гўшти қўйиб хотинига шу овқатни гадойга чиқариб беришни буюрди. Хотин овқатни гадойга берди-ю, йиғлаб эри ёнига қайтди. Эри йиғининг сабабини сўради. Хотини бу гадой ўзининг биринчи эри эканини айтди. Иккинчи эр: «Биринчи эринг билан овқатланиб ўтирганингда тиланиб борган гадой мен эдим. Эрингга бахиллиги учун Аллоҳ шундай «мукофот» берган, – деди.

ҲАДИС

Эй уммatлар! Сизларнинг қувватлироқларингиз ул кишидурки, аччиғи келганда ўзини қўлга олиб, ғазаби заҳрини ютар ва нафси буюрган ишни қилмас.

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

- Мурувват инсонийликнинг энг буюк асоси ва одамийликнинг энг улуғ матосидир.
- Бировга нарса беришдан инсон ҳеч қачон ҳароб бўлмайди, чунки қудуқ қанча ковланса, суви шунча кўпаяди.
- Саҳоватли одам ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки олиш-бериш қадимдан синалган ҳислатлардан биридир.
- Агар ҳаёт сенга кўпроқ беришини тиласанг, қўлингда нимаики бўлса мардлик билан бошқаларга инъом қил.
- Сен токайгача фақат ўз ососйишталигинг ҳақида ўйлайсан?! Шундай йўл тутки, сен туфайли бошқа одамлар ҳам ососйишталик топиб, роҳатга етсин.
- Халққа хайру эҳсон қилиш нақадар яхши фазилат, бироқ хайр-у, эҳсон беғараз бўлса, яна ҳам яхши бўлади.
- Мурувват майдонининг шоҳсувори бўлай десанг, ғараз билан иш қилиб, эвазига бировлардан фойда олишни ўйлама.
- Яхшилик қилган одамингни миннат билан камситишга уринма, бировга ичирган нарсангни миннат билан заҳарга айлантирма.
- Саҳоватли киши шундай кишики, биров талаб қилиб келмай туриб ўзи улашиб беради.

Раққоса...

(Ҳажвия)

ЁЛҒОН ПЎПИСА

Жамоа хўжалиги раиси Ҳимматқул дала айланиб келиб, қишлоқнинг оппоқ «упа»сига беланган «ГАЗ-24»дан тушса, ҳамсояси Йўлчивой қирқ йиллик рўзғорини Аликулнинг пот-потига ортаяпти.

– Ҳорманглар, тинчликми қўшни? – деди Ҳимматқул. Унинг мана шу гапи оловга мой сепгандай бўлди.

– Шаҳарга кўчаяпман! – деди Йўлчивой зарда билан.

– Нега энди?

– Шоли эктирмасанг!..

– Бир йилга мунча ўзингизни кўтариб урасиз? Ахир сув тақчиллиги... Шаҳарда нима бор? Кетманг! – деди Ҳимматқул буйруқ оҳангида.

– Мол боқтирмасанг, яйлов ажратмасанг, ем-хашак бермасанг... Қишлоқда нима бор, кетаман! Тижорат қиламан.

– Деҳқондан тижоратчи чиқадими, Йўлчивой ака. Ён қўшни – жон қўшни бўлсак... Одамлар нима дейди? Келиб-келиб мен раис бўлганда кўчасизми?

– Кўчаман!!! Икки куннинг бирида уйингга ўт келади, ем келади... Уйингга келиб тушаётган нарсаларни кўраверib, бўйим ярим газ чўкиб кетди, ука. Сен тўкилганига уялмасанг, мен тўкилмаганига ўлиб бўлдим! – деди Йўлчивой қўлини силтаб.

– Остонамиз остонамиз билан ўпишиб турган бўлса, меники-сеники борми! Сиз ҳам бир чеккасидан ташиймайсизми? – деди Ҳимматқул.

– Бир этак олиб кўрайчи, аёлингни қовоқ-тумшуғи осилиб кетар?

– Қовоғига қараб ўтирасизми?.. Ҳимматқул ўзи айтган денг - қўйинг.

– Қариган чоғимда аёл киши билан ади-бади айтишиб, иймонимдан айрилайми? Қўй, ука, этагимга осилма! Кўчаман дедимми, кўчаман!

Ҳимматқул сал ён бермаса ҳамсоясининг шаштидан тушадиган афти йўқ.

– Бўпти, – деди Ҳимматқул, – эртага сизга алоҳида трактор жўнатаман.

Ҳозиргина осмонда турган Йўлчивой: – Қанақа бўларкин, одамлар нима деркин, Ҳимматқул, – деди овсарланиб худди уйига буғдой тушаётгандай.

– Одамлар билан неча пуллик ишингиз бор. Ўзингизни ўйласангиз-чи! – деди Ҳимматқул сариқ этигининг чангини қоқиб, сўнг уйига кириб кетди.

Йўлчивой отган ўқи нишонга текканидан оғзи қулоғида, юкни тушириб, пот-потчига жавоб бериб юборди. Аммо хаёли эртага келадиган трактор билан банд эди. Тракторда раис айтган юк келадими, ё трактор юкка келадими, бу эртага билинади...

Абдулла ЙИЛТИР.



– Анави мудирнинг бошидаги телпакни кўрдингми, менинг кўзимнинг терисидан тикилган.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат.

ҲИКМАТ

Доноларнинг айтишича, дўст уч хил бўлади. Биринчиси – «жон дўст» бўлиб, бундай дўст ҳақиқий ҳисобланади ва у ўз дўсти учун жонини ҳам аямайди. Иккинчиси – «тил дўст» бўлиб, у расман тилда дўстлик изҳор қилади, аммо бошга бирор кулфат тушганда, ўзини кўрсатмайди. Учинчиси—«мол дўст» бўлиб, бундай дўст ебичиш учунгина дўст бўлади. Пулинг тугаганда эса қорасини кўрсатмайди.

Абдулбаракот ҚОДИРИЙ.

Турфа олам

«ЧИРОЙЛИНИНГ УПАСИ БОРДИР...»

Қадди-қомати келишган, ўзгаларни ўзига жалб этиб турадиган хизматчиларнинг топиш-тутиши бошқалардан дурустроқ бўларкан. Яъни, «чиройлилар»нинг даромади ҳамкасб «хунуклар»га нисбатан 15 фоиз юқори экан. Америкалик, канадалик ва хитойликлар ўртасида тадқиқот ўтказган Техас университети олими Даниэль Жамермеш ана шундай хулосага келди.

Америкалик бу тадқиқотчи илмий кузатувчиларнинг умумий кўриниши фоиз ҳисобида қуйидагича: «жозибали ва чиройлилар» 30 фоиз, ўртачалар, яъни олимнинг таъбирича, «кулранг сичқонлар» 60 фоиз, «хунук ва бадбашаралар» 10 фоиз.

«Чиройлининг упаси бордир» ибораси ёнига «даромади ҳам бордир» деган гапни қўшиб қўйсак бўларкан, энди.

ЧАП ҚУЛОҚҚА ШИВИРЛАНГ

Хьюстон университети (АҚШ) олимлари ажойиб янгиликни эълон қилишди. Улар фикрига кўра, маҳбуб ёки маҳбубага аталган ширин сўзларни унинг чап қулоғига шивирлаган маъқул экан. Айнан чап қулоқ орқали ҳис-туйғуларга тўла сўзлар хотирада узоқ сақланиб қолиши мумкин экан. Ўнг қулоқ эса мантиқий фикрловчи мия ярим шари томонидан назорат қилингани учун айтилган сўзларни «унутиб» юбораркан.

ЖИНОЯТЧИ ЯНА ҚАМОҚҚА ҚАЙТДИ

Россиянинг Волгоград шаҳрида энг хавфли жиноятчи сифатида қидирув эълон қилинган Николай Чесновский ўз ихтиёри билан яна колонияга қайтди. Аслида воқеа бундай бўлган эди: қотиллиги учун 15 йилга озодликдан маҳрум этилиб, ушбу муддатнинг ярмини ўтаган Чесновскийга 12 кунлик таътил берилган эди. Ушбу таътил Николайга намунали хулқи учун «тортиқ» қилинганди. Аммо озодликка чиққан рецидивист туман ички ишлар бўлими (ИИБ)дан рўйхатдан ўтмасдан яшаган ҳамда хотини ва болаларининг ҳам олдига бормаган. Шундан сўнг Николайга қочоқ сифатида қидирув эълон қилинди. Кейинчалик маълум бўлишича, Николай ўша пайтда қаттиқ маст ҳолатда бўлган ва қамоқхонага вақтида қайтолмаган. Чесновский ҳушёр бўлгач, колонияга қайтган. Ушбу воқеадан сўнг, қамоқхона маъмурияти узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга таътил бермасликка қарор қилди.

ХОТИНБОЗ ҚАРИЯ

Мисрлик Мустафо Самид 70 ёшда. Хўш нима бўпти дерсиз?

Гап шундаки, Мустафо шу кунгача 203 марта уйланган. Унинг энг узоқ давом этган никоҳи 10 йилга, энг қисқаси эса атиги бир неча соатга чўзилган. Бунча кўп уйланиш сабабини сўрашганда хотинбоз қария шундай жавоб берган:

– Кўнглимдагини тополмай гарангман.

«ГИЁҲВАНДСИЗ ҲАЁТ»

Тошкентдаги Замонавий санъат марказида «Гиёҳвандсиз ҳаёт» деб номланган танлов кўргазма ўтказилмоқда.

– Бугунги кунда гиёҳванд моддалар бутун инсоният саломатлигига катта хавф туғдирмоқда, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ва барқарорлигига таҳлика солмоқда, – деди санъатшунос Гавҳар Тошева «Туркистонпресс» мухбирига. – Мазкур муаммо кейинги давр мобайнида дунёда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганларнинг ёши анча «ёшариб» бораётганлиги туфайли ҳам долзарбдир. Гиёҳвандлик — бу жиноят, яъни инсоннинг бутун башариятга, қолаверса, ўзига ва ўз соғлиғига қаратилган жиноятидир. Шунинг учун бугунги кунда барча соғлом фикрловчи инсонларнинг бурчи – миллат саломатлигини сақлаш, бу билан мамлакат тараққиёти ва ривожланиши учун имконият яратиб беришдан иборат.

Гавҳар Тошеванинг таъкидлашича, танловда Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институти талабалари ўз асарлари билан иштирок этишмоқда. Унда гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфи, инсон саломатлигига кўрсатадиган зарарли таъсирига оид кўплаб суратлар намойиш этилмоқда.

ҚАҲ-ҚАҲА

Ишчи икки соатга кеч қолди. Бошлиғи сўради:

– Нега кеч қолдинг?

– Хотиним 100 сўмни йўқотиб қўйди.

– Хўш, нима бўпти?

– Роса излади.

– Хотининг излаган бўлса, сен нима иш қилдинг?

– Мен пулни босиб тургандим-да!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 5 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. Шунга кўра:

1 АҚШ доллари
694 сўм 83 тийин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Қимматли қоғозларнинг Давлат Марказий депозитарийси меҳнат жамоаси Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг лойиҳалар бўйича иқтисодчи мутахассиси Бахтиёр Абдуллаевга ва «ХИФ-Банк» ҳусусий очиқ акциядорлик тижорат банки боқшаруви ҳайъати раисининг ўринбосари Алишер Абдуллаевга падари бузруквори

Маҳмуджон ота АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Т. М. ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, М. МЎЙДИНОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ, Д. F. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАКУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона – 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-55-64.
Котибият – 136-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 100, Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи— Илҳом СИДДИКОВ | Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 20.30.